

ХАЛҚ ТАБОБАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Қаюмов Х.Н.,

Бухоро давлат тиббиёт институти.

✓ *Резюме,*

Мақолада халқ табобатини ҳозирги даврдаги соғликини сақлаш тизимидағи ўрни, унга эътиборни ошиб бораётганилиги сабаблари, ривожлантириши, амалиётта кенг табдик этиши, хавфсизлиги ва самарадорлигини таъминлаш ҳолати ҳақида мақсад жөннелегендеги мәселелер турады. Халқ табобати ва қўшимча табобат соҳасида ЖССТинг стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифалар, уларни амалга ошириш механизмлари ёритилган. Халқ табобати соҳасида Ўзбекистон республикасида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги асосий вазифалар ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Халқ табобати, қўшимча табобат, ЖССТ стратегияси, мақсад ва вазифалар.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЫ

Қаюмов Х.Н.,

Бухарский государственный медицинский институт.

✓ *Резюме,*

В статье приведены сведения о роли народной медицины в современной системе здравоохранения, причинах ее возрастающего внимания, эффективность и безопасность применения. Описаны цели и задачи, изложенные в стратегии ВОЗ в области народной медицины и альтернативной медицины, механизмы их реализации. Также описаны проводимые работы в области народной медицины в Республике Узбекистан, и основные задачи на будущее.

Ключевые слова: Народная медицина, дополнительная медицина, стратегия ВОЗ, цели и задачи.

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF TRADITIONAL MEDICINE

Kayumov Kh.N.,

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali Ibn Sina
200101, Uzbekistan, Bukhara city, 1 Navai Avenue stride <http://bsmi.uz>.

✓ *Resume,*

The article provides information about the role of traditional medicine in the modern healthcare system, the reasons for its increasing attention, the effectiveness and safety of use. The goals and objectives described in the WHO strategy in the field of traditional medicine and alternative medicine, the mechanisms for their implementation are described. The ongoing work in the field of traditional medicine in the Republic of Uzbekistan, and the main tasks for the future are also described.

Keywords: traditional medicine, complementary medicine, strategy World Health Organization, goals and objectives.

Долзарбилиги

Xалқ табобати аксарият аҳоли фойдаланиши мумкин бўлган тиббий ёрдам турига киради. Ўсимликлардан тайёрланадиган доривор воситалар, халқ табобатидаги бошқа даволаш усуслар кўпчилик инсонлар учун бирламчи тиббий ёрдам сифатида ишлатилади. Бунинг асосий сабаблари яшаш ҳудудига яқинлиги, миллий-маданий қарашлар, ишончнинг юқорилиги ва иқтисодий қулайлигидир. Айниқса тиббий хизмат қимматлашган даврда халқ табобати воситаларини иқтиносий қулайлиги кўп миллионли аҳолини ўзига жалб этади. Кўпгина сурункали касалликларни ўсиб бораётганлиги ҳам халқ табобатига эътиборни янада ошишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги даврда халқ табобати кўпгина давлатларда кенг ишлатилиб келинмоқда, бошқаларида эса охирги йилларда унга бўлган эътибор ошиб бормоқда. Ер юзининг кўпгина ҳудудларида сиёсатчилар, тиббий хизмат ходимлари ва жамоатчилик "халқ ва қўшимча табобатни" (ХваҚТ) асрарашда, бошқаришда, фойдаланишда, сифати, самарадорлиги ва хавфсизлиги ма-

салаларида муаммоларга учрашмоқда. Унга бўлган қизиқиши фақат унинг маҳсулотлари билан чекланмасдан, кўпроқ амалий ХваҚТ ҳамда анъанавий табиблар амалиётига бўлган этиборга қаратилган.

ЖССТ берган тарифга кўра "Халқ табобати" узоқ тарихга эга бўлган, маҳаллий халқлар ва турли маданият вакилларининг назариялари, эътиқодлари асосида тўпланган билим, кўнишка ва амалий тажрибаларнинг умумий холосаси бўлиб, биз уларни тушунтира олишимиз ёки тушунтира олмаслигимиздан қатъий назар саломатликни сақлашда, шунингдек жисмоний ва руҳий бузилишларда профилактика, диагностика ва даволаш мақсадларида ишлатилади" (3).

"Қўшимча тиббиёт" ёки "Муқобил тиббиёт" атамалари соғлиқни сақлаш амалиётида кенг доирада қўлланиладиган амалиётта нисбаттан ишлатилиб, қайсики улар мамлакатнинг анъаналарини қисми ҳисобланмайди ва тиббий санитария ёрдамининг асосий тизимиға киритилмаган. ХваҚТ - халқ табобати ва қўшимча табобат атамаларини бирлаштириб, маҳсулотлар, амалий ва анъанавий табибларни қамраб олади (3).



Халқ табобатига мурожаатни сабабидан қатый назар, унга бўлган қизиқиши қундан-қунга ошиб бормоқда ва бундан кейин ҳам янада ошиши қузатилади. Бу тенденцияни инобатга олган ҳолда халқ табобати амалиётчиларини фаолиятни профессионал даражада уйғулаштириш ва хавфсизлигини таъминлаш зарур бўлади. Бундан ташқари халқларни ва маҳаллий жамиятни интеллектуал мулкга ҳуқуқини сақлаб қолиш, халқ табобати усусларини илмий ўрганиш, инновацион фояларни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Энг асосийси халқ табобатини соглиқни сақлаш тизими билан уйғулаштириш, касалликларни профилактикаси, диагностикаси ва даволашда замонавий тиббиёт билан халқ табобати ўртасидаги ҳамкорлик ва интеграцияни таъминлаш ҳозирги даврда асосий вазифалардан биридир.

ЖССТнинг маълумотига кўра ўрганилган 129 мамлакатдан 43,5% сида халқ табобати хизматларини тартибга соловчи меъёрий-ҳуқуқий база яратилмаган, 13% сидан умуман маълумот олинмаган (3). Бу масалаларни ечимини топишдаги асосий қийинчиликлар: илмий маълумотларнинг йўқлиги -105, халқ табобати истеъмолчилари томонидан шикоят ва рекламаларни тартибга солиш, ҳамда назорат қилиш механизмларнинг йўқлиги -83, доривор воситаларни айланишини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларини мукаммал эмаслиги-78, хизмат кўрсатувчиларни фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмини талаб даражада эмаслиги-75, халқ табобати соҳасида илмий изланишларни молиялаштирилмаслиги-68, миллий соглиқни сақлаш ташкилотлари ва назорат органларини билим ва тажрибаси йўқлиги -67, халқ табобати амалий хавфсизлиги назорати механизми йўқлиги -65, давлатларро маълумот алмашиниши каналлари йўқлиги -63, халқ табобати амалиётчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими йўқлиги -58 давлатлар томонидан қайд этилмоқда.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб ЖССТ "Халқ табобати соҳасида 2014-2023й стратегияси"ни ишлаб чиқди. Бу стратегияни асосий мақсадлари: 1) Халқ табобатининг потенциал имкониятларидан инсонлар саломатлигини сақлашда, яшаш даражасини яхшилашда, тиббий-санитария ёрдами кўрсатишда фойдаланиш. 2) Халқ табобати соҳасини меъёр ва қоидаларни белгилаш, илмий изланишлар олиб бориши ва согликни сақлаш тизими билан интеграцияни таъминлаш орқали уни хавфсиз ва самарали ишлатилишига эришиш (3).

Бу стратегик мақсадлар бўйича аъзо давлатлар қуидаги вазифаларни амалга оширишлари зарур бўлади:

1. Миллий соглиқни сақлаш тизими қобигида халқ табобатини ўрни ва шаклларини тан олиши.

2. Халқ табобатидан фойдаланувчиларни сони, сабблари ва кўп фойдаланиладиган шаклларни аниқлаш, халқ табобати секторини масштабини аниқлаш, ҳамда ундан тиббий ходимлар тавсияси билан фойдаланилаётганлиги ёки йўқлигини, умуман улар ҳақида маълумотга эгаликларини аниқлаш.

3. Халқ табобатини миллий соглиқни сақлаш тизимини ажралмас қисми сифатида сиёсат олиб бориши, дастурлар тузиш, уларни интеграциясини таъминлаш.

4. Манбаатдор томонлар орасида алоқаларни ва ҳамкорликни ривожлантириш.

5. Миллий устивор йўналишлардан, имкониятлардан келиб чиқиб ҳаракатлар тизимини аниқлаш ва уларни кетма-кетлигини белгилаш.

6. Мамлакатда халқ табобати қўлланилиши билан боғлиқ ҳолда потенциал хавф ва самараларни ҳисобга олиб, унинг хавфсизлиги мониторингини олиб бориши, терапевтик усусларни маълумот берувчи манбаълари ҳақида аниқ тарихий, анъавий ва илмий фактларни аниқлаш, хавфсизлик томонини иқтисодий самарадорлиги билан биргаликда ўрганиши.

7. Халқ табобати соҳасидаги комплекс ва инклузив илмий ёндашув асосида олинган билимларни тарқатилишини, оммалашувини, сифати ва рентабиллигини инобатга олган ҳолда рагбатлантириш.

8. Илмий изланишларни ва тадқиқотларни, инновацияларни, билимларни бошқаришни қўллаб-қувватлаш.

9. Зарурат тугилганда илмий тадқиқотлар соҳасига ўз ичига турли изланишлар моделларини сақловчи миллий кун тартибини ишлаб чиқиши.

10. Халқ табобати маҳсулотларини хавфсизлигини, самарадорлигини ва сифатини баҳолашга имкон берувчи ва амалий халқ табобати қийматини аниқловчи усул ва критерияларни ишлаб чиқиши ва тадбиқ этиши.

11. Соғлиқни сақлаш тизимида ЖССТ нинг халқаро меъёrlари асосида халқ табобати усусларини, инновацион ва интеллектуал мулкни ноқонуний ўзлаштирилишига йўл қўймаслик, интеллектуал мулк ҳақидағи миллий қонунчилик ва бошқа стратегик ҳимоя воситаларини қабул қилиш ёки такомиллаштириш.

12. Халқ табобати ресурсларини, хусусан билим ва табиий ресурсларни ҳимоя қилиш ва сақлаш.

13. Халқ табобати ҳақидағи маълумотларни табиблар, маҳсулот реклами, амалий фаолият ва ОАВ томонидан тарқатилишини аниқлаш.

14. Халқ табобати усуслари билан даволашнинг стандартлари бўйича қўлланмаларни, ҳамда ўсимликлардан тайёрланадиган асосий доривор воситалар руйхатини нашр этитириш.

15. Маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигини таъминловчи мавжуд стандартларни, миллий сиёсатни, меъёrlар ва қоидаларни аниқлаш. Хавфларни баҳолашга асосланган ва истеъмолчи имкониятларини ҳимоя қилишга интилишга таянган ҳолда тартибга соловчи талабларни баҳолаш ва устивор йўналишларни аниқлаш.

16. Халқ табобати маҳсулотларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлайдиган меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш ва тадбиқ этиши орқали ундан фойдаланиш даражасини ва унга ишончни ошириш.

17. Халқ табобатини сифати, хавфсизлиги ва самарадорлигини ошишини таъминловчи меъёрий-ҳуқуқий базанинг асосий элементларини тадбиқ этилишини таъминлаш. Бу элементлар ўз таркибида маҳсулотларни рўйхатдан ўтказишни, хизмат кўрсатувчиларни лицензиялашни, хизматларни тартибга соловчи соглиқни сақлаш ташкилотларига ваколат беришни ва но мақбул ҳолатлар ҳақида хабар беришни ўз ичига олиши керак.

18. Бозор эҳтиёжларини таъминлаш учун тартибга солиш потенциали ва манбалар мавжудлигини таъминлаш.

19. Халқ табобатини соглиқ учун фойдалилиги ҳақидағи маълумотларни, кўрсатмаларни ва далилларни тарқатиши.

20. Томонларни меъёрий-ҳуқуқий база ва назорат органлари фаолияти ҳақида хабардорлиги ҳамда манбаатдорлигини ошириш, уларни бу фаолиятга жалб этиши.

21. Халқ табобати маҳсулотлари учун стандартларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

22. Халқ табобати хизматларини тартибга солиша халқаро ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни ривожлантириш, маълумотлар алмашинувини таъминлаш.

23. Халқ табобати сифати, хавфсизлиги ва самародорлиги ҳақида билимлар базасини кенгайтириш ва ахборот олиш имкониятларини ошириш.

24. Мамлакат инфраструктурасига мослаштирилган амалий тизимининг тартибга солиш орқали халқ табобати хизматлари устидан тегишини назоратни ўрнатиш.

25. Халқ табобатини соғлиқни сақлашнинг комплекс тизимининг бир қисми сифатида фаолият натижаларини мониторинг қилиш учун стандартлар ва кўрсаткичларни ўрнатиш.

26. Этика меъёrlарини мустаҳкамлаш мақсадида барча манфаатдор томонлар билан биргаликда ахлоқий меъёrlар кодексини ишлаб чиқиш.

27. Халқ табобати хизматлари хавфсизлигини, сифатини ва самародорлигини таъминлаш мақсадида қўлланмалар тайёрлаш ва амалиётта тадбиқ этилишини қўллаб қувватлаш.

28. Халқ табобати турли шакллари ва амалиётчилашни талаблар ва хавфларни баҳолаш асосида ўқитиш, аттестация ва атсредитация қилиш ёки лицензиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

29. Халқ табобати турли шакллари билан боғлиқ ҳолда кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш, акредитация қилиш ва харажатларни қоплаш мезонларни, этalon кўрсаткичларни, стандартларни ва тартибларни ишлаб чиқишни бошлаш.

30. Халқ табобати амалиётчилашни тайёрлаш, таълим йўналишларини расмий алоқа каналларини яратиш, унинг таркибига узлуксиз таълим, аккредитация, лицензиялаш ва рўйхатга олиш тартибларини киритиш.

31. Халқ табобатини тиббий хизматни яхшилашга ҳисса қўшувчи манба эканлигини, хусусан БТСЁда ва аҳоли саломат кўрсаткичларини ўсишига таъсир этувчи омил эканлигини тан олиш.

32. Халқ табобатини миллий соғлиқни сақлаш тизимига қандай қилиб интеграция қилишини миллий имкониятларга, устиворликларига, мавжуд қонунчилик ва маҳаллий шароитларга, ҳамда унинг хавфсизлиги, сифати ва самародорлигига асосланиб аниқлаш.

33. Соғлиқни сақлаш тизимига халқ табобатини интеграциясини асосий элементларини тақдим этиши орқали аҳолига халқ табобати хизматларини кўрсатувчи муассасаларни ривожланишига ёрдам бериш.

34. Халқ табобатининг хавфсиз ва эффективнинг ўрни ҳақида мавжуд суғурта тизимида ва соғлиқни сақлашга қилинадиган харажатларни қоплашни миллий моделида адолатли муносабат бўлишини кафолатлаш.

35. Халқ табобати маҳсулотларидан, амалиётчилашни тайёрлаш, санитария оқартурв ва истеъмолчилар ҳимояси масалаларида, шикоятилар бўлган тақдирда тескари алоқа каналларни ишлатилиши, ҳамда тижорат тарғиботи ва рекламаси механизмини, кўрсатмаларни ишлаб чиқиш.

36. Замонавий тиббиёт ва халқ табобати амалиётчилашни аҳолига йўналтирилган фаолиятларида тармоқлараро таълимни ва қўшма амалиётни мустаҳкамлаш.

37. Ўз-ўзига тиббиёт ёрдам масалаларида барча манфаатдор томонлар орасида шериклик ва мулоқотларни ривожланишига кўмаклашиш.

38. Мамлакатда истеъмолчиларга танлов эркинлигини берувчи чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ўзбек халқ табобати бой тарихий анъаналарга ва ноёб мероста эга, бу борада республикамизда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса Ўзбекистон Республикаси президентининг 2018 йил 12 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" №3968-сонли ва 2020 йил 10 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар" №4668-сонли қарорлари халқ табобати фаолиятини тартибга солиш, тўплантган тажриба ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ушбу соҳадаги меърий-хукукий базани шакллантириш ҳамда халқ табобатининг усуслари ва ютуқларидан самарали ва хавфсиз фойдаланиши учун шарт-шароит яратишга замин яратди. Жумладан, халқ табобати аҳолига тиббиёт-санитария ёрдамнинг қўшимча усули сифатида эътироф этилишини, халқ табобати усулида хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятни лицензияланишини, улар ўз фаолиятлари бўйича тиббиёт ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳажмда жавобгар ҳисобланишини, тиббиёт хизмат кўрсатишга нисбатан қўйилган талаблар белгиланишини, халқ табобати йўналишини тиббиёт фаолиятни амалга ошириладиган тиббиёт ихтисосликлар турлари номенклатурасига киритилганлигини айтиш мумкин (1,2).

Хуроса. Бу йўналишда олиб бориладиган ишларни жадаллаштириш мақсадида биринчи навбатда халқ табобати мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкиллаштириш, ўзбек халқ табобатининг бой тарихий анъаналари ва ноёб меросини ўрганиш, халқ табобати йўналишлари бўйича чуқур илмий тадқиқотларни ташкил этиш, бошқа халқ табобати ривожланган мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни ўйлга қўйиш, халқ табобатини мавжуд соғлиқни сақлаш тизими билан уйғуллаштиришни амалга ошириш зарур бўлган вазифаларга киришини такидлаш жоиз. XvaKT соҳасида мутахассислар тайёлаш учун Давлат таълим стандартларига ва ўқув рејаларга тегишли ўзгаришилар киритиш, ўқув дастурлари ишлаб чиқишни жадаллаштириш, илмий изланишларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида халқ табобати соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-3968-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2020 йил 10 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар" №4668-сонли қарори.
3. "Стратегия ВОЗ в области народной медицины 2014-2023 гг." ВОЗ. 2013г.

Келиб тушган вақти 09.03. 2020